

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ДАВР ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИ

Хакимова Максадхон Дилшодбековна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Инглиз тили интеграллашган курси №3 кафедраси катта ўқитувчиси

[*maqsadxonhakimova@gmail.com*](mailto:maqsadxonhakimova@gmail.com)

Аннотация: Мақолада иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр инглиз шеърияти, хусусан, Томас Элиот, Уистен Оден, каби индивидуал тарзда ижод қилган шоирлар ва “Романтиклар”, “Ҳаракат”, “Туруҳ” шеърий оқимлари ҳамда “Underground” шеърияти ижодкорлари ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: Шеър, шеърият, шоир, ижод, адабиёт.

Аннотация: Статья посвящена английской поэзии после Второй мировой войны, в частности, отдельным поэтам, таким как Томас Элиот, Уистан Оден, а также создателям поэтических направлений «Романтик», «Движение», «Группа» и «Андеграунд».

Ключевые слова: Стихотворение, поэзия, поэт, творчество, литература.

Annotation: The article talks about English poetry after the Second World War, in particular, individual poets such as Thomas Eliot, Wystan Auden, and the creators of "Romantic", "Movement", "Group" and "Underground" poetry movements.

Key words: Poem, poetry, poet, creativity, literature.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр инглиз шеърияти

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги молиявий аҳвол шоирларни бошқа бир жиддийроқ ва турғун даромадга эга касб билан шуғулланишга мажбур этардики, кўплаб инглиз шоирлари бу даврда университетларда, асосан Америка университетларида маърузалар ўқишарди ёки ноширлик ишлари ва бадий журналистика билан тирикчилик қилишарди.

Профессионал тарзда фақат шеърият билан шуғулланувчи шоирлар ҳам, табиийки биз юқорида тилга олган сабабга кўра уларнинг сони жуда кам эди, одатда шеъриятни бошқа жанрлар билан тенг олиб боришарди. Шоирлар ёзувчилар ёки драматургларга қараганда нисбатан “чекланган маданий худуд” [6]да яшашарди ва ишлашарди. Лекин бу шеъриятнинг мавзуси чегараланиб, ўз охангини йўқотган эди, дегани эмас, аксинча, иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр шеърияти ҳам наср ва драматургия каби кенг қамровли ва хилма-хил мавзулар кўламига эга эди.

Ушбу давр инглиз шеърияти ҳақида гапирганда Т.S.Eliot ва W.H.Audenларнинг мамлакат ва жаҳон адабиёти тараққиётига қўшган хиссасини алоҳида эътироф этиб ўтмай иложимиз йўқ. Т.S.Eliotнинг модернистик йўналишдаги бир қатор тажрибалари ва W. H.Audenнинг мантиққа, руҳият олами ва сиёсатга оид ижоди урушдан кейинги давр инглиз шеъриятини рад этиб бўлмас турли муқобил гуруҳларга ажратиб юборди. Шундай қилиб, урушдан кейинги давр шеърияти ҳам илм, ҳам шеърият дунёсининг таъсиридан озикланди.

Thomas Stearns Eliot ижоди ҳақида сўз юритганда, XX аср инглиз тилидаги модерн шеъриятнинг марказий фигураси ҳисобланган, ушбу даврининг энг буюк шоирларидан бири бўлган ижодкор сифатида, у ўз даражаси ва имкониятларига нисбатан кам шеърлар яратган, деб айтиш мумкин. Шоир ўзи ҳам буни фаолиятининг бошиданок билган; у Гарварддаги устозларидан бири J.H.Woodsга ёзган мактубида шундай деган эди: “Менинг Лондондаги обрў-эътиборимга биргина кичик шеър асос бўлиб турибди ва бир йилда яна икки ёки учта шеър чоп эттириш орқали уни сақлаб қолишим мумкин. Муҳими, уларнинг ҳаммаси ўзича мукамал асар бўлиши керак, шундагина ҳар бир шеър алоҳида бир воқеа сифатида қарши олинади.”

Унинг ижод тили, ёзув услуби ва шеъриятнинг анъанавий қолипларини “бузиб, ёриб чиққан” сатрлари инглиз шеъриятини жонлантирди. 1922-йилда биринчи жаҳон урушига жавобан “Чиқитга чиққан ўлка” китобининг нашр этилиши ва унда урушдан кейин маънавий инқирозга юз тутган Европа тасвири шоирни ўз даврининг энг муҳим адабий намояндаларидан бирига айлантирди.

April is the cruellest month, breeding
Lilacs out of the dead land, mixing
Memory and desire, stirring
Dull roots with spring rain.
Winter kept us warm, covering
Earth in forgetful snow, feeding
A little life with dried tubers. (*The Waste Land*)

“... кўплаб инглиз шоирлари бу даврда университетларда, асосан Америка университетларида маърузалар ўқишарди” ёки “урушдан кейинги давр шеърияти ҳам илм, ҳам шеърият дунёсининг таъсиридан озикланди” деганда, биз айнан атоқли шоир Т.S.Eliotни назарда тутдик. Сабаби айнан у Американинг нуфузли университетларида маърузалар ўқиган, талабаларга сабоқ берган. Ҳаттоки, бир сафар унинг Миннесота университетида 14 000 га яқин талабага, тингловчилар

аудиториясининг катталигидан басткетбол стадионида, маъруза қилганлиги ҳақида маълумотлар бор. [7]

Модерн йўналишда ижод қилган ҳамда фаолиятида асосан эссенавислик, ноширлик, драматурглик, адабий танқидчилик ва муҳаррирлик етакчилик қилган шоир T.S.Eliotдан ўқитувчилигидан кўра ижоди кўпроқ тош босадиган шоир **Wystan Hugh Auden** шеърляти ўзининг услубий ва техник ютуқлари; сиёсат, ахлоқ, севги ва дин билан алоқадорлиги; оҳанг, шакл ва мазмундаги хилма-хиллиги ва сермахсуллиги билан ажралиб туради. Шу ўринда яна бир жиҳатни эътироф этиб ўтиш керакки, унинг “Шеърлар” деб номланган илк китоби 1930 йилда T.S. Eliot ёрдами билан чоп этилган. Унинг “Funeral Blues” (севги), “September 1, 1939” (сиёсий), “The Shield of Achilles” (ижтимоий), “The Age of Anxiety” (маданий ва психологик), “For the Time Being” (диний мавзулардаги) каби шеърлари шеърят ихлосмандлари орасида жуда машҳур.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда T.S.Eliot ва W.H.Audenлардан ташқари яна кўплаб ижодкорлар турли мавзуларда шеърлар ёзар эди ва уларнинг яратган асарлари ўзлари яшаб ижод қилган давр шеърляти, шунингдек, инглиз адабий тилига ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Нафақат Англияда, балки мамлакат ташқарисида қўлланилувчи оғзаки инглиз тили унсурлари ҳам шеърятда ўз аксини топа бошладики, бу ҳолат инглиз тилининг адабий меъёрларини ва маданий мустамлакачилик курули сифатида таърифланувчи устунлигини савол остида қолдирди.

Бу жараён David Jones ва Basil Bunting каби модернист, ҳамда Douglas Dunn ва Tony Harrison каби ижтимоий реалист ижодкорлар номлари билан боғланади.

Англиядан ташқаридаги ижодий жараён ҳақида гап кетганида таъкидлаш керакки, Seamus Heaney бошчилигидаги Шимолий Ирландия шоирлари инглиз шеърлятини маҳаллий назм анъаналари билан бирлаштириб юборишди, яъни бу ҳолат инглиз шеърий дунёсига янгича оҳанг ва сўз қурилишини олиб кирди.

Бу давр шеърляти ҳақида гапирганда Wendy Cope, Roy Fuller, Thom Gunn, Seamus Heaney, Ted Hughes, Craig Raine, Stevie Smith, R.S. Thomas ва Dylan Thomas каби шорларнинг номларини алоҳида зикр этиб ўтиш лозим.

Романтиклар ва бошқа шоирлар.

W. H. Audендан кейин Dylan Thomas Британиядаги етакчи шоир бўлиб қолди. Унинг шеърларига хос бўлган романтизм 1940 йилларда ижод қилган шоирлар W.S.Graham ва George Barkerдан тортиб The Apocalypse шоирларнинг ижодига таъсир ўтказди. Dylan Thomas ва француз сюрреализмининг, айниқса, David Gascoyne ижодида кучли акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Dylan Thomasning birinchi шеърий тўплами “18 Poems” 1934 йилда нашр этилган. Уни кенг оммага танитган китоби эса 1946 йилда чоп этилган “Deaths and Entrances” бўлиб ундан шоирнинг энг сара шеърлари жой олган. 1952 йилда нашрдан чиққан “Collected Poems 1934-1952” тўплами эса жуда катта нусхада сотилган китоблардан ҳисобланади. У, шунингдек, насрда ҳам салмоқли ижод қилган ижодкорлардандир.

The Apocalypse шоирлари ижод майдонига кириб келишлари биланоқ тез орада Янги Романтизм (New Romanticism) оқими намоёндалари сифатида танилган Henry Treece, J.F.Hendry, Nicholas Moore, Norman MacCaig, Vernon Watkinsлар эди. Улар давр руҳи, уруш даҳшатларидан ташвишга тушган одамлар кайфиятини қаламга олар экан W. H. Audenнинг тафаккур мушоҳадаларини ёрқин акс эттирувчи жиддий шеърларидан кўра Dylan Thomasнинг туйғулар пўртанасини ўзида очиқ жонлантирган автопсихологик лирикасига эргашишни маъқул кўришди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр шоирлари, хусусан Keith Douglas ва Alun Lewis ижодида ҳам уруш даҳшати асосий ўринда турар эди. Биринчи жаҳон уришидан фарқли ўлароқ, Англия фуқаролари даҳшатли вайронагарчиликлардан – фронт чегараларидан узоқда бўлишига қарамасдан юқоридаги шоирлар ижодида ҳам асосан одамлар қалбидаги кўркүв қаламга олинар эди.

1940 йилларнинг бошларига назар ташласак шеърият оламига Stevie Smith ва R.S. Thomasларнинг номлари ҳам кириб келганлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг юқорида исмлари зикр этилган ижодкорлардан фарқи шунда эдики, Stevie Smith ва R.S. Thomasларнинг ҳар иккиси ҳам ҳеч қайси шеърий гуруҳ ёки оқимга алоқадор бўлмаган ҳолда эркин ижод қилишарди. Улардан ҳар қайсисининг ўзгача услуби ва овози бўлиб, Stevie Smithнинг аёлларга хос маҳзун, аммо кам сонли шеърли R.S. Thomasнинг исёнкорона ва туғилиб ўсган юрти Уэлс нафаси уфуриб турган асарларидан тубдан фарқ қиларди.

The Movement ва The Group оқимлари.

1950 йиллар адабий майдонини, таъбир жоиз бўлса, The Movement бутунлай “эгаллаб олди”. The Movement бир неча шоирлар гуруҳи бўлиб, уларни бирор-бир мактаб эмас, Stephen Spenderнинг “Horizon” журнали бирлаштириб турар эди. Гуруҳ намоёндалари Kingsley Amis, John Waine (бу икки шоир романнавис сифатида ҳам фаолият юритишар эди), Elizabeth Jennings, John Holloway, Thom Gunn, Donald Davie ва энг эътиборли ҳамда асосий аъзоси Philip Larkin эди.

Philip Larkin шоир ва ёзувчи бўлиб, унинг дастлабки шеърлари “Poetry from Oxford in Wartime” (1944) антологияси ва “The North Ship” (1945) тўпламларида чоп этилган. Кейинчалик ўзининг “The Less Deceived” (1955) ва “The Whitsun Weddings”

(1964) китобларини ҳам шеърхонлар этиборига ҳавола этган. Унинг “High Windows” (1974) тўпламидан жой олган кўплаб шеърлари муаллифнинг ўлим ва дунёнинг омонат эканлиги ҳақидаги ташвишли ўйларини ўзида акс эттиради.

The Movement оқими шоирлари ишчилар ҳукумати яратиб берган имкониятлардан фойдаланиб таълим олган авлод ёшлари эди. Улар асосан қуйи ва ўрта синф вакиллари бўлиб Оксфорд ва Кембрижда стипендиялар эвазига таҳсил олишар эди ва кейинчалик ўзлари бошқа инглиз дорилфунунларида талабаларга сабоқ беришарди. Уларнинг илм дунёсига кириб келишларида инглиз танқидчиси F.R. Leavis ва Америка Янги Танқидчилик (New Criticism) мактабининг роли катта, аммо шунга қарамай улардан баъзилари, айниқса, Philip Larkin инглиз шеърлятига ташқаридан бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай таъсирни катъий рад этар эди.

The Movement шеърляти Янги Романтизм (New Romanticism) оқимига хос бўлган ортикча гап сўзларга истехзоли муносабатда бўлиб, ўзида эса, аксинча, самимият, ҳушхулқилик, ҳиссиётларни меъёрида жиловлаган ҳолда халқ руҳига яқинликнинг ифодалар эди. Бу оқим намоёндаларининг асосий мақсади “ўзаро суҳбат жараёнида ҳам ўз бадиийлтигини сақлаган ҳолда” [3] оддий халқ вакиллари томонидан ҳам қўлланилаверадиган шеърлар яратиш эди.

1950 йиллар назм майдонида The Movementдан бошқа оқимларнинг ҳам “дунёга келганлигини” кўришимиз мумкин. Ана шундай йўналишлардан бири Philip Hobsbaum ва Edward Lucie-Smith бошчилигидаги The Group оқимидир. The Group гуруҳи 1952 йилда ташкил топган бўлиб, намоёндалари Peter Porter, Peter Redgrove, George MacBeth ва Alan Brownjohnлардир.

The Group ҳеч қандай қолип ва андозага эга бўлмаган, лекин ҳамма учун бирдек очиқ шеърй анжуманлар кўринишида фаолият юритадигин оқим эди. Уларда шоирлар бир-бирларининг ижод намуналари билан бемалол танишиб фикр алмашишлари мумкин эдики, бу усулда ижод қилиш кейинчалик оммалашиб кетди.

Ташқи таъсирлар ва “Underground” шеърляти.

1950 йилларда ўз ижодий фаолиятини бошлаган Donald Davie, Charles Tomlinson ва Tom Gunn каби бошқа кўплаб шоирлар Америка шеърлятига кўпроқ қизиқиш ва рағбат билдирдилар. Улар учун Америка шеърляти ўзида шаҳар ҳаётини акс эттирган The Movement оқимидан кўра яқинроқ туюларди. Масалан ушбу оқим вакилларида бири Tom Gunn кейинчалик W. H. Auden каби Америкага кўчиб кетади.

Инглиз шеърлятига ташқаридан бўладиган адабий таъсирларга ижобий муносабат билдириб, бундай уйғунликка ўз ҳиссаларини қўшган шоирлар сифатида Ted Hughes ва Geoffrey Hillларни ҳам эътироф этиш мумкин. Гарчи бу икки

ижодкорнинг услублари бири-биридан буткул фарқ қилса-да, уларнинг иккалалари ҳам давр ва замон ижодкорлардан The Movement оқими тақдим этаётган шеърятдан кўра кучлироқ ижод намуналарини кутаётганлигини ҳис этишарди. Лекин улар бутунлай Америка томонга оғиб кетмасдан туғилиб ўсган ватанлари Англия ва айниқса, 1960 йиллардан кейин таржима инглиз шеърятининг муҳим бир қисмига айлана бошлагач Европа шоирлари ижодига томон жиддийроқ назар ташлашди. Ted Hughes эса онгли тарзда ҳаммаёқни вайрон қилувчи инсоният цивилизациясидан ҳайвонот олами ва табиатни устун қўйиб куйловчи лирикаси билан инглиз шеърятида ўз овозига эга бўлди.

1960 йилларгача инглиз шеъряти ижоди урушдан кейинги тартибсиз дунёда шахснинг шахс сифатидаги парчаланиб кетишини, ёзғизлик ва бўшлиқ ичра ноумид қолишини бўрттириброк кўрсатувчи Америка шоирлари, хусусан Robert Lowell ва Sylvia Plath, таъсири остида бўлиб келди.

*Nobody in the lane, and nothing, nothing but blackberries,
Blackberries on either side, though on the right mainly,
A blackberry alley, going down in hooks, and a sea
Somewhere at the end of it, heaving. [5] (Blackberrying by Sylvia Plath)*

Танқидчи А. Alvarezнинг сўзлари билан айтганда, The Movementнинг “академик-маъмурий шеъряти” (“academic-administrative verse”) [3] бундай парчаланиш ва ёлғизликнинг “юк”ини кўтара олмас эди ва шу сабабли ҳам, бир катор ёш шоирлар таржима орқали бу вазифани адо этишди. Underground шеъряти ана шундай йўналишлардан бири эди.

“Underground Poetry” атамаси 1950 йиллар охирларидан 70 йиллар ўрталаригача ижод қилган, шеърларини одамларга оғзаки тарзда тақдим қилувчи британиялик шоирларнинг ижодига нисбатан қўлланилади. Underground шоирлари II Жаҳон Урушидан кейин пайдо бўлган Америка “Beat” шеъряти таъсири остида вужудга келган. Ушбу шеърый мактабга асос қилиб олинган ном - “Beat” атамаси мусиқадаги зарб - “beat”, урилган - “beaten” ва зоятда бахтли - “beatific” каби маъноларни англатади. Beat намоёндалари ўз шеърларини асосан жаз мусиқаси ва буддизм таълимоти таъсири остида яратишарди. Underground шоирлари ҳам айнан шу маънода Beat шоирларига эргашишди ва ўз ижодларида жаз мусиқаси оҳангларида кенг фойдаланишди.

1960 йилларга келиб Британияда поп маданияти оммалашиб кетди. Барча табақа ёшларининг поп мусиқаси ва янгича йўналишда пайдо бўлиб келаётган шеърятга қизиқишлари тобора ортиб борарди. Бу шеърятнинг биринчи марта

кенг халқ оммасига яқин келиши бўлиб, бу яқинлашиш бевосита Underground шоирларининг ижоди билан боғлиқ эди.

Гарчи мантиқий оқими ёки аниқ қилиб белгилаб қўйилган расмий мактаби бўлмаса-да, танқидчилар бу гуруҳ шоирларини “the Underground” номи билан эътироф этишади. У аслида, топганини ўртада баҳам кўрадиган кўплаб ёшларнинг эркин шаклланган гуруҳи эди. Улар дастлаб ўз ижод намуналарини дўстлари даврасда ўқиб беришарди, кейинчалик эса кенг омма орасига, асосан саноатлашган шаҳарлар аҳолиси ичига кириб боришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишди. Улар шеър ёзаркан, тингловчилар аудиториясини ўз нуқтаи назарларини ижодкорларга сингдирувчи истеъмолчилар деб ҳисоблашарди. Улар бутун мамлакат бўйлаб кезиб юришарди, турли шеърӣ ва мусиқӣ кечалар уюштиришарди ҳамда музейларда санъат асарлари оралаб ўз шеърларидан парчалар ўқиб беришарди.

Underground шоирлари одамлар орасига кириб уларга баланд овозда ўқиб бериш учун шеър ёзишарди. Одатда тингловчилар оммасининг истакларидан келиб чиққан ҳолда ҳеч қандай тайёргарликларсиз тўғридан-тўғри улар сўралган жойда шеър ўқиб кетаверишарди. Улар ўз ижодларига адабиётшунослар нуқтаи назарларидан эмас, тингловчиларнинг кўрсатаётган муносабатлари томонидан туриб баҳо беришарди, яъни улар ижодининг шаклланииб ривожланишида томошабинлар аудиторияси муҳим роль ўйнар эди. Шунинг учун ҳам Underground шоирлари шеърларининг тили содда ва халққа яқин бўлиб, бу улар ижодининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланарди.

Underground шоирлари ёзма шаклдан кўра оғзақисини кўпроқ маъқул кўрганликларидан ҳаттоки, уларнинг айрим шеърлари фақат магнит ленталаридагина сақланиб қолган.

Гарчи бу гуруҳ шоирлари ижоднинг оғзақи шаклда олиб борилишини афзал кўришса-да, улардан баъзиларининг шеърлари турли хил адабий журналлар ва шеърӣ антологияларда ҳам чоп этилган. Брайн Пэтти асос солган “Underdog” журнали Underground шоирларининг ижод намуналарини ўзида ёритиб борувчи ана шундай нашрлардан бири эди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек урушдан кейинги давр шеърӣяти ҳам инглиз адабиётининг катта ва бой бир қисми ҳисобланади. Лекин биз учун ҳозирги кун инглиз шеърӣятининг, замондош ижодкорларнинг ўрганилимаган, очилмаган қирралари ҳали анчагина.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмеджанова, Д. Иностранный язык как средство духовно-нравственного развития школьников. International Journal of European Research Output (IJERO) Том 3, No. 2 <http://ijero.co.uk/index.php/ijero/article/view/15>
2. Қодирий, М. The Nature of Conceptual Metaphor and its Place in Modern Science. Academic Research Journal. Volume2.Issue 2. February,2023
3. Corcoran, N. English Poetry since 1940. London: Longman. 1993.
4. Poetry is ‘the best words in the best order’. Best Words Post -1914 Collection. 2005.
5. Rakhimova, M. Importance of Paremiology in Linguistics and Expression of Cultural Values. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. ISSN: 2835-3579 Volume: 03 Issue:1/2024.
6. <http://www.wikipedia>. free encyclopedia//Liverpool poets then and now//
7. <https://interestingliterature.com/2014/03/five-fascinating-facts-about-t-s-eliot/>